



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "25" mart

Қ-199 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани "Оқтепа" массиви "Ғур-ғур" маҳалласи худудидан "JARQO'RG'ON FARMIDA AGRO" МЧЖга томчилатиб суғориш билан интенсив мевали боғдорчиликни ривожлантириш ва боғ ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигида Сурхондарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларини муҳокама қилиш юзасидан 2019 йил 16 июль куни ўтказилган 7-сонли йиғилиш баёни 33-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 22 февралдаги 05-02/117-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 06 февралдаги 03-05/51-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Жарқўрғон тумани "Оқтепа" массиви "Ғур-ғур" маҳалласи худудидан "JARQO'RG'ON FARMIDA AGRO" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 147 ва 150қ-дала контурларидаги жами 150 гектар, шундан 149,3 гектар яйлов, 0,3 гектар ариқ ва зовурлар, 0,4 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари томчилатиб суғориш билан интенсив мевали боғдорчиликни ривожлантириш ва боғ ташкил этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин

хамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**